

9 та қироатдан ижоза соҳиби бўлган Абдурахмон қори ибн Абдуллоҳ ибн Файзуллоҳ



00:08 / 17.04.2022 1515

Абдурахмон қори ибн Абдуллоҳ ибн Файзуллоҳ ҳозир 9 ёшда.

Ёш бўлишига қарамай, 9 та қироатдан ижоза соҳиби бўлган!

Шу билан бирга, 1400 та ҳадиси шарифни ҳам ёд олган!

Шайх Алижон қоридан Абдурахмон қорининг бу қобилияти ҳақида сўралганида, устоз шундай жавоб берган: «Алҳамдулиллаҳ, менинг фарзандларим ҳам ҳофизи Қуръон бўлиб етишишди. Аммо Абдурахмон қорининг ҳифзда моҳирлигининг боиси эса, укам Абдуллоҳ қорининг Қуръон учун қилган хизматларидир. Мен 30 йил давомида Қуръон илмини ўрганиб, уни тарқатишга ҳаракат қилдим. Аммо Абдуллоҳ қори Қуръон хизматини мендан ҳам олдин бошлади. Натижада иккала фарзанди ҳам Қуръон ҳифзида моҳир бўлди. Катта ўғли Муҳаммад Жаъфар ҳам 11 ёшида машҳур шайхлардан қироат бўйича ижоза олган, шунингдек, 1350 та ҳадисни ёдлашга муваффақ бўлган».

Дарҳақиқат, «مَنْ خَدَّحَ مَخَّحَ», яъни «Ким хизмат қилса, хизмат кўради», деган ҳикмат бежизга айтилмаган.

Аллоҳ таоло Абдурахмон қорининг илми ва ҳифзига барака ато қилсин!
Халқига, бутун умматга хайрли хизматлар қилишни насиб этсин!

Манба: AlQuranuz